

ЯНГИ РАИСЛАР
ИШНИ НИМАДАН БОШЛАДИ?



4

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ
ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАНАДИ?

5

РАИС
МАСЛАХАТЧИСИ,
КОМИССИЯЛАР
ВА ЖАМОАТЧИЛИК
ТУЗИЛМАЛАРИ
ҚАНДАЙ
ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?



Маҳалла раиси — маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича ҳамда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиялар, хотин-қизлар фаоли — хотин-қизлар билан ишлаш ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси, ҳоким ёрдамчиси — аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича комиссия, ёшлар ётакчиси — ёшлар билан ишлаш бўйича комиссия фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради.

3-саҳифада.

«МАҲАЛЛАДА
IT-ТУҒАРАК ТАШКИЛ
ЭТМОҚЧИМИЗ»



Маҳалламиз чекка бўлса-да, оптик толали интернет тармоғи билан тўла қамраб олинган. Шу боис ҳудудда ишлаётган компьютер клуби баъзасида IT-туғарагини тузиб, ёшларни бугун дунёда юқори талаб бўлган касбга қизиқтиришни режа қилган. Бунинг учун маҳалламиздаги чет элларда ўқиб келган бир неча ёшлардан фойдаланмоқчи. Улар ҳам мазкур ташаббусга кунгилли сифатида рози бўлишган.

7-саҳифада.

2-саҳифада.

Маҳалла



www.xolisnazar.uz

@xolis_nazar

@xolisnazar

ШАНБА, 4 ИЮНЬ, 2022 ЙИЛ № 22 (2056)



ОММАВИЙ ҚАБУЛ: ҲАР УЧТА МАСАЛАДАН БИТТАСИ ЖОЙИДА ҲАЛ ҚИЛИНДИ

«Оммавий қабуллар уч ойлиги» доирасида Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида ўтказилган учрашувларда Президентимиз асос солган халқ билан мулоқот тизими бўйича кўплаб инсонларни анча вақтдан бери ўйлантириб келаётган масалаларга ечим топилди. Эътироф этиш керакки, қабул жараёнида аксарият фуқаролар раҳбарлар ҳузуридан хурсандчилик билан, ўз муаммоларига ечим топиб қайтишди.

Тошкент шаҳридаги оммавий қабулларида 2 минг 212 та масала кўриб чиқилиб, уларнинг 725 таси жойида ҳал қилинди. 484 нафар мурожаатчига ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилган бўлса, қолган мингдан зиёд масалани ҳал қилиш бўйича аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, Президент Администрацияси ва Халқ қабулхоналари томонидан назоратга олинди.

ҲОНАДОН ДЕВОРИНИ
ЎЗГАРТИРГАН
ЖАРИМАГА
ТОРТИЛАДИ




6



ТАЛАБАЛАР
ГҲШТ
ЕМАЙДИМИ?



6



ЭҚТИЁТ БЎЛИНГ,
СОХТА
УНИВЕРСИТЕТ!

8

ОММАВИЙ ҚАБУЛ:

ҲАР УЧТА МАСАЛАДАН БИТТАСИ
ЖОЙИДА ҲАЛ ҚИЛИНДИ

«Оммавий қабуллар уч ойлиги» доирасида Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида ўтказилган учрашувларда Президентимиз асос солган халқ билан мулоқот тизими бўйича кўплаб инсонларни анча вақтдан бери ўйлантириб келаётган масалаларга ечим топилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Сергели, Чилонзор, Юнусобод туманларида ташкил этилган очик-жонли мулоқотлар майдонида ўттизга яқин вазирлик, қўмита ва республика ташкилотлари раҳбарлари қарийб 2 мингдан зиёд масалани кўриб чиққан бўлса, деярли ҳар уч масаладан биттаси жойида ҳал қилинди. Масалан, Ички ишлар вазирлиги масъуллари кўриб чиққан 265 та муурожаатнинг 137 тасига шу ернинг ўзида ечим топилди. Айтилик, 2013 йилда ички ишлар тизимидан ишдан бўшатишган Жасур Раҳимов суд-ҳуқуқ соҳаларида амалга оширилган ислохотлар туфайли ҳуқуқий майдонда ўзининг ҳақлигини исботлашга эришди.

— Аввал ташкил қилинган худди шундай оммавий қабуллардаги муурожаатимдан сўнг, ишим Олий судда кўрилиб, оқлов ҳукми чиқарилган эди, — дейди **Ж.Раҳимов**. — Бу гапга мулоқотлар майдонидаги муурожаатимдан сўнг, ички ишлар тизимига ишга қабул қилиндим. Орадаги 9 йиллик узлиш ҳам хизмат муддатимга кўшилди.

Жараёнда яшнободлик собиқ ички ишлар ходими Наримон Беккуловнинг ҳам кўп йиллик масаласига ечим топилди. Анча йил муқаддам ишдан ташқари вақтда катта жанжални бартараф этишга ҳаракат қилиб, оқибатда оғир тан жароҳати ҳам олган капитан Беккулов батафсил текширувларсиз ишдан бўшатишган. Бироқ бунда унинг айбдор эмас, аслида жабрланувчи экани инobatта олинмаган. Оммавий қабулдаги муурожаатидан сўнг Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти бу ишни тезкор ва батафсил ўргангач, Наримон Беккуловни ички ишлар тизимига ишга тиклайдиган бўлди.

Яккасаройлик Карина Панкратованинг айтишича, қурилиш корхоналаридан бири улар яшаётган Яккасарой туманидаги Миробод кўчасидаги худудда қурилиш қилмоқчи, бироқ бу майдон аслида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига бириктириб берилган. Бу масала Тошкент туманлараро маъмурий судида кўрилган ва аҳоли фойдасига ҳал қилув қарори чиқарилган. Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанцияси эса бу қарорни бекор қилган. Шу боис муурожаат муаллифи масалани ҳар томонлама батафсил ўрганишни ва Яккасарой тумани қурилиш бўлимининг бу борадаги рухсатномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўради. Муурожаат асосида Тошкент шаҳар прокуратураси апелляция инстанциясининг қарорини бекор қилиш бўйича протест келтирди.

Мулоқотлар асосида Дилором Имомбоеванинг суд ҳукмига нисбатан протест келтириш, Элмурод Бойхоновнинг иш ҳақини ундириш юзасидан суд қарорини ижро қилдириш, Муқаддас Шарипованинг терговда қонунийликни таъминлаш сингари ўрганиш ва муддат талаб қиладиган жами 176 та масала Бош прокуратура назоратига олинди.

Тошкент шаҳридаги оммавий қабулларда 2 минг 212 та масала кўриб чиқилиб, уларнинг 725 таси жойида ҳал қилинди. 484 нафар муурожаатчига ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилган бўлса, қолган мингдан зиёд масалани ҳал қилиш бўйича аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, Президент Администрацияси ва Халқ қабулхоналари томонидан назоратга олинди.

— Автомашиналар учун импорт ўрнини босувчи ён ойналар ишлаб чиқарамиз ва 40 нафар кишини доимий иш билан таъминлаганмиз, — дейди **чилонзорлик тадбиркор Абдураим Алимов**. — Аммо шу кунларда айланма маблағдан қийналиб, буюртмаларни етказиб бера олмай қолдик. Айни шу масалага ечим излаб, муурожаат қилгандим. Тошкент шаҳар 2-сектори кўмаги билан 200 минг доллар кредит ажратилди ва корхонамизнинг барқарор ишлаб кетишига сабаб бўлди.

Қабуллардаги худди шундай муурожаатлар асосида Озода Тойировага алимент ундириб берилган бўлса, Музаффар Ҳайдаровнинг кредитдан юзага келган норéal қарздорлиги бартараф этилди.

Қолаверса, яшнободлик Азиза Ашурованинг ҳам 2004 йили аукцион орқали сотиб олган 6 сотих ер майдонида уй-жой қуриш бўйича лойиҳани тасдиқлаш билан боғлиқ 18 йиллик масаласи Қурилиш вазирлиги масъуллари билан мулоқотдан сўнг ҳал қилинди. Аёлниг уй-жой барпо қилишга оид лойиҳаси тасдиқланиб, қурилишга рухсат берилди.

Чилонзорлик Бахтиёр Хўжаев эса Президент Халқ қабулхонасига муурожаатидан сўнг 12 йил деганда доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида тураржой билан таъминланди. Давлат солиқ қўмитаси масъулларига муурожаатдан сўнг учтепалик тадбиркор Мухлиса Акрамовага ортиқча ҳисобланган қўшимча қиймат солиғи қайтариладиган бўлди.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент шаҳридаги оммавий қабулларда 2 минг 212 та масала кўриб чиқилиб, уларнинг 725 таси жойида ҳал қилинди. 484 нафар муурожаат-



ФУҚАРОЛАР, АСОСАН, ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, МОДДИЙ КЎМАК ВА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ БЕРИШ ҲАМДА САВДО ФАОЛИЯТИ УЧУН ЖОЙ АЖРАТИШНИ СЎРАБ МУРОЖААТ ҚИЛДИЛАР. КУВОНАРЛИСИ, МУРОЖААТЛАРНИНГ 12 ТАСИ ШУ ЕРНИНГ ЎЗИДА ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПДИ. 8 ТА МАСАЛАНING ИЖРОСИ НАЗОРАТГА ОЛИНИБ, УЛАРНИНГ ЕЧИМИ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ.

чига ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилган бўлса, қолган мингдан зиёд масалани ҳал қилиш бўйича аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, Президент Администрацияси ва Халқ қабулхоналари томонидан назоратга олинди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ. «Оммавий қабуллар уч ойлиги» доирасида Навоий вилоятида аҳоли билан мулоқотлар ташкил этилмоқда. Жумладан, Навбахор туманидаги «Кескантерак» маҳалласида ўтказилган навбатдаги учрашувда Навбахор, Нурота, Қизилтепа, Хатирчи ва Кони-мех туманлари фуқаролари иштирок этишди.

Эътироф этиш керакки, қабул жараёнида аксарият фуқаролар раҳбарлар ҳузуридан хурсандчилик билан, ўз муаммоларига ечим топиб қайтишди.

Жумладан, Навбахор туманидаги «Гулистон» маҳалласида истиқомат қилувчи Муҳаббат Исмамова турмуш ўртоғи Фиёс Жумаевни ишга жойлаштириш бўйича муурожаат қилди. Унинг масаласи шу жойда ўз ечимини топди — Ф.Жумаев туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига ишга жойлаштирилди.

Нурота туманидаги «Эшон Судур» маҳалласидан ортиқча ҳисобланган қўшимча қиймат солиғи қайтариладиган бўлди. Эътироф этиш керакки, қабул жараёнида аксарият фуқаролар раҳбарлар ҳузуридан хурсандчилик билан, ўз муаммоларига ечим топиб қайтишди.

кўчириш борасида кўмак сўради. Мавжуда опанинг муурожаати ҳам вилоят ҳокими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул вакили ҳамкорлигида ечим топди.

— Фарзандим анча йиллардан буён жигар церрози билан овғиб келади, — дейди **қизилтепалик Қўзи Ибрагимов**. — Очиқи, олиб борманган докторимиз қолмади. Қолаверса, бироз кўлим калталик қилаётгани боис операция қилдиришга ўйланиб юргандим. Бугунги қабулда масъулларга ёрдам сўраб муурожаат қилдим. Барака топилди, фарзандимнинг Ҳиндистон давлатида ўтказилиши зарур бўлган жарроҳлик операцияси учун 50 миллион сўм ажратилди деган бўлди. Бундай мулоқотлар биз каби кўли калта, моддий жиҳатдан қийналган фуқаролар учун ўзига хос малҳам воситаси бўлмоқда.

Яна бир навбахорлик ёлғиз аёл — Ойсана Пирманова саратон хасталиги билан бир неча йиллардан буён фуқарони қабул қилиб, уларнинг 20 та муурожаатини тинглади. Фуқаролар, асосан, ишга қабул қилиш, моддий кўмак ва имтиёзли кредит бериш ҳамда савдо фаолияти учун жой ажратишни сўраб муурожаат қилдилар. Кувонарлиси, муурожаатларнинг 12 таси шу ернинг ўзида ўз ечимини топди. 8 та масаланинг ижроси назоратга олинди, уларнинг ечимини бўйича чоралар белгиланди.

Худди шундай, мулоқот давомида адлия ташкилотлари томонидан 40 та муурожаат қабул қилиниб, 26 таси ўз жойида ҳал этилди, 10 нафар фуқарога ҳуқуқий тушун-

тириш берилган бўлса, 4 нафари тегишлилигига кўра, давлат органлари ва ташкилотларига йўналтирилди. Фуқаролар, асосан, алимент ундируви, иш стажини тиклаш, электрон имзо олиш, тадбиркорлик субъекти очиш ва меҳнат муносабатларига оид масалаларда муурожаат қилишди.

«Оммавий қабуллар уч ойлиги» доирасидаги тадбирлар Зарафшон шаҳридаги 7-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам ташкил этилди. Унда Зарафшон шаҳри, Учқудуқ ва Томди туманларидан келган фуқароларнинг муурожаатлари тинланди. Жумладан, сайёр қабулда Навоий вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Нормат Турсунов 17 нафар фуқарони қабул қилиб, уларнинг 20 та муурожаатини тинглади. Фуқаролар, асосан, ишга қабул қилиш, моддий кўмак ва имтиёзли кредит бериш ҳамда савдо фаолияти учун жой ажратишни сўраб муурожаат қилдилар. Кувонарлиси, муурожаатларнинг 12 таси шу ернинг ўзида ўз ечимини топди. 8 та масаланинг ижроси назоратга олинди, уларнинг ечимини бўйича чоралар белгиланди.

Оммавий қабулларда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири Турсунхан Худайбергенов иштирок этди.

РАИС MASLAХАТЧИСИ, КОМИССИЯЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

Барча ҳудудларда фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) сайлови якунланди. Энди яқин бир ой муддат ичида фуқаролар йиғини кенгаши шакллантирилиб, раис маслаҳатчилари, тафтиш комиссияси, асосий йўналишлар бўйича комиссиялар ва жамоатчилик тузилмалари аъзолари сайланиши керак. Ҳўш, бу жараён қандай олиб борилади? Тартиби қандай?

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ КЕНГАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Кенгаш таркиби номзодлар бўйича эмас, балки белгиланган лавозим ваколатлари бўйича умумий рўйхат асосида тасдиқланади. Бунда унинг таркибига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари (профилактика инспектори) ва маслаҳатчилари (ёшлар масалалари бўйича ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилар), кўчабоши, уйбоши, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, шунингдек, ҳудуддаги мактабгача таълим ва таълим муассасалари, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудга бириктирилган масъул ходимларини киритиш тавсия этилади.

МАСЛАХАТЧИЛАРНИ САЙЛАШ. Фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича ҳамда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари лавозими мавжуд. Улар фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан сайланади.

Маслаҳатчилар сайлови муқобиллик асосида ҳар бир лавозим бўйича икки ва ундан ортиқ номзод кўрсатилган ҳолда амалга оширилади. Номзодлар билан регламент асосида савол-жавоблар ўтказилиб, овоз берувчилар кўрсатилган номзодларга ўз муносабатини қўл кўтариш орқали ифодалади. Бунда раислик қилувчи номзодларни алифбо тартибда овозга қўяди. Барча номзодлар бўйича овоз бериб бўлинган фуқароларнинг ярмилик кўпрогининг овозини олган номзод маслаҳатчи лавозимига сайланган, деб

ҳисобланади. Маслаҳатчилар ўз хизмат лавозимларида виждонан, сидқидилдан қонуний фаолият олиб борса ва уларнинг фаолияти фуқаролар йиғини аъзоларига мақбул бўлса, улар сурункасига қайта-қайта сайланиши мумкин.

ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИ САЙЛАШ. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида фуқаролар йиғинининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун тафтиш комиссияси тузилиши белгиланган.

Тафтиш комиссияси — молиявий-ҳўжалик фаолияти соҳасида етарли билим ва тажрибага эга бўлган фуқаролар йиғини аъзолари орасидан оқиб овоз бериш йўли билан сайланади. Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида фуқаролар йиғини бошқа органининг аъзоси бўла олмайди. Овоз берувчилар кўрсатилган номзодларга ўз муносабатини қўл кўтариш орқали ифодалади.

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА КОМИССИЯЛАРНИ САЙЛАШ. Комиссия аъзоларини сайлаш фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан очик овоз бериш йўли билан амалга оширилиши белгиланган.

Фуқаролар йиғинларида улар фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича қуйидаги комиссияларни тузиш таклиф этилади:

- ▶ маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича комиссия;
- ▶ хотин-қизлар билан ишлаш ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси;
- ▶ ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия;
- ▶ аҳоли бандлигини

таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича комиссия;

- ▶ ёшлар билан ишлаш бўйича комиссия;
- ▶ экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия.

Бунда маҳалла раиси — маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича ҳамда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиялар, **хотин-қизлар фаоли** — хотин-қизлар билан ишлаш ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси, **ҳоким ёрдамчиси** — аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича комиссия, **ёшлар етакчиси** — ёшлар билан ишлаш бўйича комиссия фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради.

ЖАМОАТЧИЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ТАРКИБИНИ САЙЛАШ. Фуқаролар йиғини ҳузурида «Ота-оналар университети»,

«Аёллар маслаҳат кенгаши», «Кексалар маслаҳат гуруҳи» жамоатчилик тузилмалари шакллантирилади.

«Ота-оналар университети» таркиби 8-12 нафар аъзодан иборат таркибда овоз бериш йўли билан сайланади. Университет аъзолари ҳуқуқшунос, шифокор, педагог, психолог ва бошқа мутахассислар ҳамда Университетга юкланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунадиган, обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, жамиятда ўзининг намунали хулқи билан обрў-эътибор қозонган фаол фуқаролар орасидан сайланади. **Университет раҳбари вазифасини, қоида тарихида, маҳалладаги хотин-қизлар фаоли амалга оширади.**

«Аёллар маслаҳат кенгаши» 10-15 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади ҳамда туман (шаҳар) хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши қарори билан тасдиқланади. Кенгаш аъзолари сони маҳалладаги аҳоли сони ҳамда иш ҳажмига қараб белгиланади. Унинг таркибига хотин-қизлар

фаоли, маҳаллада истиқомат қиладиган ҳамда бой ҳаётий ва амалий тажрибага эга, фаол ҳамда ташаббускор, аҳоли орасида обрў-эътиборга эга бўлган хотин-қизлар, зиёли онахонлар, тадбиркор аёллар, ҳудуддаги таълим ва тиббиёт муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётган хотин-қизлар, отинийлар, психологлар киритилиши мумкин. **Кенгаш фаолиятига, қоида тарихида, маҳалладаги хотин-қизлар фаоли раҳбарлик қилади.**

«Кексалар маслаҳат гуруҳи» таркиби 8-12 нафар аъзодан иборат таркибда сайланади. Гуруҳ таркибига ижтимоий фаол, маҳаллада обрў-эътиборли, бошқаларга ибрат бўладиган кекса авлод вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг нафақадаги ходимлари киритилади.

Гуруҳга раҳбарлик фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан амалга оширилади.

Адлия вазирлиги ҳамда Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда тайёрланди.



▶ МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«ҲАР ИШНИ БАМАСЛАХАТ ҲАЛ ҚИЛАМИЗ»

Олмазор тумани «Иброҳим ота» маҳалласидаги фуқаролар йиғини раиси сайловида аҳолининг фикри инобатга олинган ҳолда, ишчи гуруҳи томонидан икки нафар номзод илгари сурилди. Вакилларнинг яширин овоз бериш натижаларига кўра, амалдаги раис — Ҳасан Абдуразақов уч йиллик муддатга маҳалла раиси лавозимига қайта сайланди.

Ҳ.Абдуразақов ўз сайлов дастурида маҳаллани янада ободонлаштириш, кам таъминланган, эҳтиёжманд аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кексалар ҳолидан доимо хабардор бўлиш, ҳудудда жиноятчиликларнинг олдини олиш, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини тўла рўёбга чиқариш борасидаги режаларини баён қилди. Аҳоли вакиллари унинг бу мақсадларига ҳамфиқр эканини таъкидлашди.

Маҳалламизда «Обод маҳалла» дастури амалга оширилган. Унинг доирасида 1960 йилларда қурилган ва бугунга келиб таъмирталаб бўлиб қолган, муҳандислик-коммуникация тармоқлари эскирган 20 дан зиёд тўрт қаватли уйлар тўлиқ таъмирланди. Шунингдек, кўча ва йўлакларга пардоз берилиб, ҳудуд ободонлаштирилди. Унга яқин икки қаватли арзон уй-жойлар, замонавий мактабгача таълим

муассасаси қурилди. Қолаверса, намунавий лойиҳа асосида маҳалла гузари, коммунал тўловлар шохобчаси, болалар ва спорт майдончалари барпо этилди. Албатта, бу юмушларнинг боришида аҳоли вакиллари яқин кўмакдош бўлишди. Имкон қадар бунёдкорлик ишларида камарбаста бўлиб, маҳалламиз ривожига ҳисса қўшишди. Бу ҳақда сўз борганда, айниқса, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси

доирасида барча бирдек жон койитганини эслаб ўтиш ўринли. Лойиҳа доирасида қисқа фурсатда маҳалла ҳудудида 5 мингдан ортиқ, жумладан, 2 мингдан зиёд терак, минг тупга яқин олма, 500 дан зиёд узум ва бошқа манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бу ишларда аҳолига Миллий гвардия ва 98162-ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари кўмакчи бўлишди. «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини тўла

рўёбга чиқаришда маҳалла раиси бошчилигида ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, комиссия ва жамоатчилик тузилмалари, кўчабошилар ҳамкорликда, бамаънафит фаолият юритамиз.

Пўлат МҶМИНОВ, Олмазор туманидаги «Иброҳим ота» маҳалла фуқаролар йиғини «Кексалар маслаҳати» гуруҳи раҳбари.

ЯНГИ РАИСЛАР ИШНИ НИМАДАН БОШЛАДИ?

«Асосийси, одамларни бирлаштира олсак бўлгани»



Асл касбим ҳуқуқшунослик, узок йиллар мобайнида ички ишлар, адлия бошқармалари, ҳокимлик органларида хотин-қизлар масалалари бўйича ишлаб келдим. Фарғона ҳуқуқшунослик коллежида педагог сифатида дарс бера бошлаганимга кўп йиллар бўлган. Маҳалламиз аҳолисининг талаби билан номзодим раислик лавозимига кўйилди. 29 май куни ўтказилган сайловда кўпчилик менга ишонч билдирди. Албатта, бундан жуда хурсандман. Лекин, тўғриси, масъулияти бироз чўчитаётгани ҳам рост.

Куни кеча ўтган мажлисда туманимиз ҳоқими, прокурор, адлия бошқармаси, солиқ органлари раҳбарлари ва бошқалар имконият даражасидаги барча ёрдамни беришларини айтишди. Аҳолимиз, кўчабошиларимиз елкадош бўлишларини билдиришган. Демак, ўйлаган мақсадларимизга эришиш унчалар қийин бўлмайди. Асосийси, одамларни эзгу мақсадлар, маҳалламиз ободлиги йўлида бирлаштира олсак бўлгани. Қилинадиган ишлар кўп. Аввало, маҳалла учун бино барпо қилиш керак. Идоранинг жойи йўқ. Кўп йиллардан бери эшикма-эшик кўчиб юради. Ҳатто бекат жойлашган хонада ишлаган. Кейин бир тадбиркорнинг иншоотидан хона ажратилган. Ҳозирда маҳаллий кутубхона биносига кўчириляпти. Давлат-хусусий

шериклик асосида камида 6-7 хонали замонавий бино қуриш учун ҳаракатни бошладик. Бир неча тадбиркорлар билан гаплашдик. Қишлоғимиз марказидаги ерлар кўрсатилляпти. Уйлайманки, бу иш июль ойига қолмай бошланиб кетади. Кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш, ёшлар, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларида ўзим ўйлаган режалар талайгина. Бундан ташқари, бизга ёшлар маркази, тил ўргатиш, олий таълимга тайёрлаш бўйича ўқув курслар, маҳалла гузари, нурунийлар чойхонаси керак. Одамларимиз шунга муҳтож. Барини қисқа вақт ичида амалга ошириш лозим. Албатта, бир қараганда бу вазифалар мураккабдек туюлади. Аммо қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деган гап бор. Менимча, асосий таянчимиз

тадбиркорлар бўлади. Улар ёрдамида, ўзаро манфаатли лойиҳалар асосида ўйлаган барча ниётларимизга етамиз. Янги-янги иш ўринлари ташкил қиламиз. Яна бир орзуим — маҳалламиз кинотеатрини тиклаш. Ёшлигимизда катта — 200 ўринли кинотеатр фаолият юритарди. Аммо барчамизга аён сабабларга кўра, у ҳароб аҳволга келган, бўлиниб йўқ қилинган. Ҳозир эса бу соҳага яна қайта эътибор қаратилмоқда. Демак, кинотеатрларни тиклаш учун ҳаракат қилса бўлади. Майли, аввалгидек, 200 ўринли эмасдир, аммо 50-30 ўринли кичик 3D кинотеатрлар қурилса, томошабинни жалб қила олади.

Дилобар ИСМАТОВА,
Фарғона туманидаги
«Мозортаги» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.

«ДАСТУРИМ — УЗОҚ ЙИЛЛИК КУЗАТИШЛАР НАТИЖАСИ»

Тўрткўл туманидаги «Шўраҳон» маҳалласида 21 май куни ташкилланган сайлов жараёнларида аҳолимиз жуда фаол бўлишди. Уч нафар номзод орасидан айнан мен кўп овоз тўплаганим ўзимга ишончимни янада оширди. Жараёнда номзодлар сайловолди дастурларини ҳақиқатан ҳам халқ манфаати учун ишлаб чиқишгани яққол намойён бўлди. Аҳоли ҳар бир номзод дастурини ўрганиб, айнан менинг режаларимни кўпроқ маъқуллашди.

Халққа тақдим этган дастурим аслида узок йиллик кузатишлар натижаси, дейиш мумкин. Чунки 58 йилдан буён шу маҳаллада истиқомат қиламан. Фаолиятимнинг 34 йилини таълим соҳасида олиб бордим. Ота-оналар, ўқувчилар билан ишлашни ўргандим, халқ дардини яқиндан ҳис қилдим. Энди бу ишончини оқлашга, бор билим ва тажрибамни маҳалламиз, юртимиз равақи учун сарфлашга ҳаракат қиламан.

Режаларим улкан, маррани катта олганмиз. Насиб этса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни камбағалликдан олиб чиқиш, доимий иш билан таъминлаш йўлида биргаликда ҳаракат қиламиз. Шунингдек, маҳаллада ободонлаштириш ишларини янада яхшилаш, пиёдалар йўлакчаси барпо этиш, тунги ёриткичларни ўрнатиш каби ишлар яқин

йилдаги дастуримдан ўрин олган.

Маълумки, юқори натижаларга эришиш асосида қулай шароит ётади. Шу маънода, аввало, маҳалла фуқаролар йиғини биносини замонавий кўринишга келтириш ниятидаман.

Жинойтнинг олдини олиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун спорт мусобақаларини кенг кўламда олиб бориш каби режаларни илгари сурмоқдамиз. Яна шу ўринда кам таъминланган оилаларнинг олий ўқув юртида таҳсил олаётган фарзандларига тўлов контрактлари учун пул маблағлари ажратиш, уларга кредит ёхуд субсидия асосида 3 йилдан 7 йилгача 14 фоизли молиявий ёрдам бериш устувор масалаларимиз қаторидадир.

Маҳалламиз инфратузилмасини яхшилаш, ичимлик сув тармоқларини, боғча, мактаб, тиббиёт муассасалари, маданият марказларини таъмирлаш

ва қуриш, бир сўз билан айтганда, одамларни рози қилиш дастуримнинг устувор қисмини ташкил этади.

Бизда буларни амалга ошириш

учун барча имконият етарли, фақатгина халқ билан ҳамкорликда, уларнинг манфаати учун хизмат қилиш талаб этилади.



Тўрткўл туманидаги «Шўраҳон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдулла ҚОДИРОВнинг фикрларини Жамила ШИРИНОВА ёзиб олди.

«КАТТАҚИШЛОҚ МУАММОЛАРИ БИРДАМЛИКДА ЕЧИМ ТОПАДИ»



Ҳамқишлоқларим менга катта ишонч билдириб, яна бир бор фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайлашди. Илк бор 2017 йилда шу лавозимга сайланганман. Шу кундан бошлаб ҳар куни тонгим маҳалла билан отиб, қуёшим маҳалла билан ботадиган бўлди.

Мана, янги раислик вазифасига киришганимга 10 кундан ошди. Шу муддат ичида маҳалламиздаги саккизта қишлоқда яшовчи 8 минг 60 нафар аҳолининг ҳал бўлмаётган муаммолари, ечимини кутаётган масалаларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Бу борада менга қишлоқ оқсоқоллари, фаолларимиз елкама-елка туриб яқиндан ёрдам бермоқда. Шу асосда маҳалла балансини шакллантириб, ким нимага муҳтожлиги, кимга кредит кераклигини уйма-уй ўрганиб чиқдик.

Сайлов дастуримда маҳаллада ҳуқуқбузарликлар ва жинойтчиликнинг олдини олишни асосий мақсадлардан бири сифатида белгилаганман. Зеро, тинч беҳавотир жойда юксалиш бўлади. Шундай тартиб

йўлга қўйилгани учун уч йилдан буён ҳудудимизда жинойтчилик ҳолатлари қайд этилмаган. Бунда ёшларнинг бўш вақти доимий банд қилинган, улар турли тўғарақларга, спорт машғулотларига жалб қилинган кўл келмоқда. Маҳалламиз «Обод қишлоқ» дастури асосида кўркам қиёфа касб этган. Бундай ободлик ҳаракатлари ҳали тугагани йўқ. Ички йўлларга асфальт ётқизиляпти, шағал тўкилиб, ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бунда маҳалла аҳли четда қараб турмаяпти. Барча ўз уйи, ўз кучасини обод қилиш, ноқонуний қурилмаларни олиб ташлаш, томорқаларига эътибор қаратиш пайида.

Яна бир жиҳат — бундан кейин ҳам эҳтиёжманд оилалар доимий

эътиборимизда бўлади. Уларнинг ҳар бирига ҳомийларни бириктириб, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш ниятидаман. Қолаверса, «оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида давоматни яхшилаш, кунлик назорат ўрнатиш, болалар тарбиясида уч халқ тамойилидан самарали фойдаланиш ҳаракатидаман. Бир нарсани аниқ: раис ҳеч қачон яққа ўзи нимадир қила олмайди. Албатта, маҳалладошлар унга кўмакчи. Фақат раис қачон ва қай тартибда иш олиб бориш кераклигини билса бўлгани.

Башорат ШАМСИЕВА,
Жомбой туманидаги
«Каттақишлоқ» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.



ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАНАДИ?

Президент ташаббуси билан маҳаллаларда иш бошлаган ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг биринчи ярим йиллиги якунига етмоқда. Биламизки, уларнинг зиммасига, асосан, ҳудудда камбағалликни қисқартириш, янги иш уринларини яратиш юкланган. Утган даврда улар билдирилган ишончни оқладими? Ишлаб чиқилган баҳолаш тартиби қай тарзда ўтказилади?

Ушбу саволларга жавоб олиш учун Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги мутахасссларига мурожаат қилдик.

— Баҳолаш жараёни ҳар чорак якуни бўйича бир марта «Онлайн маҳалла» платформаси орқали электрон тарзда ўтказилади,

— дейди **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги бошқарма бошлиғи Сирожиддин Расулов.**

Самарадорлик кўрсаткичлари 6 та статистик кўрсаткич ва 5 та саволни ўз ичига олган сўровномадан иборат бўлади. Баҳолашнинг **1-босқичида** фаолияти натижадорлиги максимал 100 баллда баҳоланиб, статистик кўрсаткичларга 80 балл, сўровномага 20 балл берилади.

Статистик кўрсаткичлар бўйича 80 балл 6 та кўрсаткич бўйича 10-15 балл интервалида тақсимланади. Сўровнома бўйича 20 балл 5 та савол бўйича тенг миқдорда 4 баллдан тақсимланади.

2-босқичда кўрсаткичларни ҳисоблаш усули орқали 6 та кўрсаткич аниқлаб олинади. Бунда хатловдан ўтказилган хонадонларга 15 балл, хатлов сўровномасининг сифати, яъни дастур аниқлай оладиган даражадаги техник камчиликлар йўқлиги учун 3 балл, хонадонлар сонининг тўлиқлиги ва мослиги учун 4 баллгача берилади.

Ҳоким ёрдамчиси киритган рақамлар, маҳаллалар кесимида киритилган назорат рақамларидан 10 фоизгача кўп бўлса, максимал балл берилади. Қолган ҳолларда рақамлар неча фоизга фарқ қилаётган бўлса, балл шунча фоизга камайтиради.

Оилалар сонининг мос ва тўлиқлиги учун 1 балл, хатлов сўровномаси кичик жадвалларини тўлдирилганлик даражаси учун 6 баллгача баҳоланади. Бунда паспорт ва телефон рақамлари тўлиқ киритилган ёзувларнинг маҳалла аҳолиси сонига нисбати бўйича тумандаги энг юқори кўрсаткичли маҳаллага максимал, бошқа маҳаллаларга унга нисбатан фоиз ҳисобида балл тақсимланади.

Бандлиги таъминланган аҳоли сонига қараб 13 баллгача кўйилади. Узини ўзи банд қилиш даражаси юқори бўлса, 12 баллгача олиш мумкин. Бунда ўзини ўзи банд қилган аҳоли сонининг маҳалла аҳолиси сонига нисбати бўйича тумандаги ўртача кўрсаткичдан 10 фоиз ёки ундан юқори кўрсаткичли барча маҳаллаларга максимал балл берилиб, қолган маҳаллаларга шу рақамга нисбатан фоизда ҳисобланади.

Касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқишга йўналтирилган аҳоли сони бўйича 12 балл, янги ташкил этилган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига 13 баллгача берилади. Ҳисобот даврида янги ташкил этилган ва тугатилган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари (юридик ва жисмоний шахслар) сони ўртасидаги фарқнинг маҳалла аҳолиси сонига нисбати бўйича тумандаги ўртача кўрсаткичдан 10 фоиз ёки ундан юқори кўрсаткичли барча маҳаллаларга максимал балл берилиб, қолган маҳаллаларга шу рақамга нисбатан фоиз ҳисобида балл кўйилади. Агарда ҳисобот даврида янги ташкил этилган ва тугатилган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари (юридик ва жисмоний шахслар) сони ўртасидаги фарқ манфий рақам бўлса, «0» балл билан баҳоланади.

Ўз навбатида, аҳолига кредит маблағлари ажратилиш ҳолати бўйича 15 баллгача тўплаш имкони бор. 10 кундан ортиқ муддатда кўриб чиқилган (кўриб чиқилмаган) аризалар сонининг, жами келиб тушган аризалар сонига нисбати бўйича фоиз ҳисобида 5



баллгача, маҳаллага ажратилган чораклик лимитнинг тўлиқ ўзлаштирилганлик (тавсиянома берилганлик) даражасига фоиз ҳисобида - 5 баллгача, 5 кундан ортиқ муддатда кўриб чиқилган (кўриб чиқилмаган) маҳсулот ёки хизматларни қабул қилиш тўғрисидаги фактуралар сонининг, жами қабул қилинган фактуралар сонига нисбати бўйича (далолатнома вақтида тузилганлиги бўйича) фоиз ҳисобида - 5 баллгача кўйилади.

3-босқичда эса кўрсаткичлар маҳалланинг географик жойлашуви, яъни марказдан яқин-узқоқлигини инobatта олиб қайта ҳисобланади. Бунда улар 5 та тоифа асосида баҳоланади. Яъни, шаҳарда, туман марказида, туман марказигача 30 км бўлган масофада, туман марказидан 30 км дан олис масофада, тоғли ва чўл ҳудудида, чегара (ёки анклав) ҳудудида жойлашгани инobatта олинади.

4-босқичда ҳар бир кўрсаткич бўйича тегишли баллар жамланиб, статистик кўрсаткичлар бўйича умумий балл ҳисобланади.

5-босқичда ҳоким ёрдамчисининг шахсий сифатлари сўровнома асосида баҳоланади. Сўровнома «Онлайн маҳалла» платформа орқали электрон ўтказилади ҳамда сўровнома ўтказишнинг ташкилий ишларига туман (шаҳар) Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни

ривожлантириш марказлари масъул ҳисобланади. Ҳоким ёрдамчисининг шахсий сифати сўровнома объекти бўлса, респондентлар туман (шаҳар)га бириктирилган республика вакили, туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, туман (шаҳар) Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази раҳбари ҳамда маҳалла раиси субъекти ҳисобланади. Уларнинг амалдаги лавозими вакант бўлган ҳолларда ўринбосарлари баҳолайди ёки баҳолашда қатнашмайди. Ҳар бир ҳоким ёрдамчиси бўйича ҳар бир респондент 1 тадан анкета тўлдиради. Анкета 5 та саволдан иборат бўлиб, саволлар сифат баҳоси 0 дан максимал 4 баллгача белгиланади.

Шу тартибда ҳоким ёрдамчисининг тўплаган жами бали тўлдирилган анкеталардан тўпланган баллнинг ўртача қиймати ҳисоблаб чиқилади. Якунда ҳисобланган кўрсаткич асосида ҳоким ёрдамчилари фаолияти натижадорлиги интервал шкала ёрдамида «аъло», «яхши», «қониқарли» ва «қониқарсиз», дея баҳоланади. Утган давр орасида биринчи чорак натижалари эълон қилинди. Унга кўра, ҳоким ёрдамчилари томонидан 2022 йил январь-март ойларида 768 та маҳалла «аъло», 2 163 та маҳалла «яхши», 2 770 та маҳалла «қониқарли» ва 3 636 та маҳалла «қониқарсиз» деб топилди. Ҳудудлар кесимида **Хоразмда** 80 фоиз, **Сирдарёда** 77,5 фоиз, **Бухорода** 76,3 фоиз, **Наманганда** 75,3 фоиз ва **Қорақалпоғистон** Республикасида 75,8 фоизлик натижа қайд этилган.

Ҳоким ёрдамчилари кесимида Қизилтепа туманидаги «**Хўжақўрғон**» маҳалласи 99,5 фоиз, Учқўрғон туманидаги «**Бўстон**» маҳалласи 99,0 фоиз, Янгиариқ туманидаги «**Оқмачит**» маҳалласи 98,5 фоиз, Тупроққалъа туманидаги «**Йўлдош Оқунбобоев**» маҳалласи 97,8 фоиз натижа билан **республикада энг яхши бўлди.** Аммо шу билан бирга, энг паст натижа кўрсатган ҳоким ёрдамчилари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Масалан, Учтепа туманидаги 60 та маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳоким ёрдамчиларидан 45 фоизи (27 нафари) паст баҳо олган. Ўз навбатида айрим ҳудудлардаги ҳоким ёрдамчиларининг порохўрлик билан қўлга тушиш ҳоллари эса тизимда ҳали қиладиган ишлар кўплигини кўрсатади. Энг сўнгги хабарга кўра, Фарғона вилоятида ҳам 40 нафар ҳоким ёрдамчиси лавозимидан бўшатирилган.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТОМОНИДАН 2022 ЙИЛ ЯНВАРЬ-МАРТ ОЙЛАРИДА 768 ТА МАҲАЛЛА «АЪЛО», 2 163 ТА МАҲАЛЛА «ЯХШИ», 2 770 ТА МАҲАЛЛА «ҚОНИҚАРЛИ» ВА 3 636 ТА МАҲАЛЛА «ҚОНИҚАРСИЗ» ДЕБ ТОПИЛДИ. ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ХОРАЗМДА 80 ФОИЗ, СИРДАРЁДА 77,5 ФОИЗ, БУХОРОДА 76,3 ФОИЗ, НАМАНГАНДА 75,3 ФОИЗ ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 75,8 ФОИЗЛИК НАТИЖА ҚАЙД ЭТИЛГАН.



ХОНАДОН ДЕВОРИНИ ЎЗГАРТИРГАН ЖАРИМАГА ТОРТИЛАДИ

Ўтган даврлар мобайнида кўп қаватли уйларда яшайдиган фуқаролар хонадонлари деворлари, таянч конструкцияларини ўз билганича ўзгартириб, бинонинг умумий ҳолатига катта зарар етказгани бор гап. Бу ҳатто 9, 12, 16 қаватли тураржой биноларида ҳам кузатилган. Ваҳоланки, мазкур ҳолат иншоотнинг турли табиий офатлар, зилзилалар олдидан оғир қилиб қўяди. Унинг ярқоқлиги муддатига жиддий салбий таъсир этади.

Масалан, 2020 йилда пойтахтимизнинг Учтепа тумани 23-мавзесидаги 20-уйда рўй берган воқеани олайлик. Ушанда фуқаро уйнинг ўзига тегишли бўлган икки квартирасини бириктириш учун хонадон балкони ортиқча оғир материаллар билан ўзгартиргани оқибатида кўп қаватдаги барча бошқа балконларга зарар етиб, қулаб тушганди. Яхшики, инсонлар жабр кўрмаган. Аммо воқеа фожиялиқроқ яқунлиги мумкин эди. Шу каби ҳолатлар қатор бошқа вилоятларда такрорланди. Боз устига, айримлар томонидан қилинган ноқонуний ўзгаришлар уйларнинг коммунал тизимларига жиддий зарар етказган, уларнинг самарадорлигини пасайтирган вазиятлар ўқ эмас. Ҳўш, нима қилмоқ керак?

ЯНГИ ТАРТИБ ЎЗБОШИМЧАЛИКНИ ТЎХТАТА ОЛАДИМИ?

Тўғри, кўп қаватли уйлар конструкциясини ўзгартиришни чекловчи тартиблар бизда аввалдан бор. Бу Уй-жой кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ўз аксини топган. Аммо мавжуд қоидалар одамларни квартираларни хавфли равишда қайта режалаштиришдан қайтара олмаяпти. Шу боис кун кеча Президент имзолаган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Солиқ кодексларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун бу каби ҳолатлар учун жавобгарликни кучайтирди.

— Янги қонунга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қатор ўзгартиришлар киритилмоқда, — дейди **Уй-жой коммунал хўжалик вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Жамолiddин Қаландаров**. — Жумладан, эндиликда кўп квартираларни уйларни бошқариш қоидаларини бузиш мансабдор

шахсларга БҲМнинг 15 баравари (4 млн. 500 минг сўм) миқдорда жарима солишига сабаб бўлади. Кўп квартиралар уйлардаги таянч ва (ёки) тўсиқ конструкцияларни қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни бузган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) реконструкция қилиш, шу жумладан, кўп квартиралар уйларга туташ ер участкаларида ўзбошимчилик билан иморатлар (иншоотлар) куриш ишларини амалга ошириш БҲМнинг 30 бараваригача (9 млн. сўмгача), мансабдор шахсларга 50 бараваригача (15 млн. сўмгача) миқдорда жарима солинишига олиб келади. Уйлашмиш, мазкур янгиликлар айрим фуқароларимизнинг масъулиятсиз ҳаракатларини олдини олиб, уйларнинг сифатли сақланишига хизмат қилади.

Хукукбузарликни биринчи марта содир этган шахс, агар у кўп квартираларни уйдаги тўсиқ конструкцияларнинг амалга оширилган ўзгартирилишини ёки уларни

реконструкция қилиш туфайли йўл қўйилган бузилишларни, кўп квартираларни уйга туташ ер участкасида ўзбошимчилик билан қурилган иморатларни (иншоотларни), шунингдек, уларнинг оқибатларини ихтиёрий равишда бартараф этса, жавобгарликдан озод этилади. Маъмурий ҳукукбузарлик тўғрисидаги ишлар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп квартиралар уй-жой фондидан фойдаланиш соҳасини назорат қилиш инспекцияси томонидан кўриб чиқилади.

СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ НИМА ДАҲЛИ БОР?

Қонун билан Солиқ кодексига қатор ўзгаришлар киритилди. Масалан, бошқарувчи ташкилотлар ёки кўп квартиралар уйларни бошқарувчилар томонидан умумий мол-мулкни бошқариш, унга техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш, шунингдек, кўп квартиралар уйларга туташ ер участкаларини ободонлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар ҳамда

бажарилаётган ишлар бўйича айланма солиқ солишдан озод этилмоқда. Бу бўйича кўрсатилган хизматлардан ҳамда бажарилган ишлардан олинган маблағлар солиққа тортилмайдиган бўлмоқда.

Натижада хизмат кўрсатувчи корхоналарда йилига 10 миллиард сўм маблағ орттириб қолинади. Орттирилган маблағларни уй-жой фондини сақлаш ва атроф инфратузилмаси, йўллар, ариқлар, болалар майдончалари, кузатув камералари қабиларга сарфлаш имкони вужудга келади. Бундан ташқари, тизимда авж олган коррупциянинг чекланишига хизмат қилади.

Умуман, кўп қаватли уйлар конструкциясини ўзбошимчилик билан ўзгартириш, инсоннинг нафақат ўз мулки ва хавфсизлигига, балки мазкур бинода яшайдиган барчанинг тақдирига бевосита боғлиқ ҳолат экани шубҳасиз. Шу боис мазкур соҳада масъулиятсизликларга қатъий чек қўйиш вақти келгани тайин.

Дилнура МАМАСАФОВЕВА.

КўП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРДА ВА КўП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРГА ТУТАШ ЕР УЧАСТКАЛАРИДА ЎЗБОШИМЧИЛИК БИЛАН ИМОРАТЛАР (ИНШОТЛАР) КУРИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БҲМНИНГ 30 БАРАВАРИГАЧА (9 МЛН. СЎМГАЧА), МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА 50 БАРАВАРИГАЧА (15 МЛН. СЎМГАЧА) МИҚДОРДА ЖАРИМА СОЛИНИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ.

► ҲОЛАТ

ТАЛАБАЛАР ГЎШТ ЕМАЙДИМИ?

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари йиллик истеъмолдан тахминан тенг ярми импорт ҳисобидан қопланади. Бундай шароитда глобал бозорда юз бераётган ҳар қандай тебраниш ички бозордаги нархга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Украина ва Россиядаги сийсий-иқтисодий вазият жаҳон бозорида, шу жумладан, Ўзбекистонда ўсимлик ёғи, шаккар, бугдой каби маҳсулотлар нархларининг кескин ўсишига олиб келмоқда.



МЕН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ АСОСИДА ЎҚИЙМАН ВА ТАЛАБАЛАР ЁТОҚХОНАСИДА ЯШАЙМАН. ИЖАРАДА ТУРИБ, КОНТРАКДА ЎҚИЙДИГАН ТАЛАБАЛАР ҲАҚИДА ГАПИРАДИГАН БЎЛСМ, НАФАҚАТ УЛАРГА, БАЛКИ УЛАРНИНГ ОТА-ОНАСИГА ҲАМ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТ МОДДИЙ ЖИҲАТДАН ҚИЙИНЧИЛИК ТУГДИРЯПТИ.

Бундан ташқари, Ҳиндистон ички таъминотда маҳсулот узил-улиш ва нархлар ўсишига йўл қўймаслик мақсадида гуруч экспортини чеклаши мумкин. Маълумотларга кўра, Ҳиндистон гуруч етиштириш бўйича жаҳонда Хитойдан кейинги иккинчи ўринда туради ва охириги икки йил ичида 150 дан ортиқ давлатга гуруч етказиб берган. Рақамлар мисолида қаралса, 2021 йилда Ўзбекистонга умумий қиймати 313,6 млн. долларга тенг ўсимлик ёғи импорт қилинган. Жами импорт қилинган ўсимлик ёғининг 66 фоизи Россиядан кириб келган бўлса, 25 фоизи Қозғистон ҳиссасига тўғри келади. Агар мазкур икки давлатда қандайдир берқарорлик юзага келадиган бўлса, бу ички бозоримизда ўз аксини кўрсатмасдан қолмайди.

Мисол учун, январь-февраль ойларида бир литр ўсимлик ёғи ўртача ҳисобда 16 000-17 000 сўмни ташкил қилган

бўлса, ҳозирда бу нарх 23 000-23 500 сўмга тенглашмоқда. Бундан ташқари, йил бошида картошканин қиймати 2 500-3 000 сўм бўлган бўлса, ҳозирда 8 000 сўм. Унинг нархи ошгани сабабли ноннинг қиймати кўтарилмоқда. Мисол учун, айни пайтда дўконларда «буханка» нон 2 800 сўмдан сотилмоқда. Ваҳоланки, май ойида унинг нархи 1 600 сўм эди. Айниқса, шаккар маҳсулотининг нархи бир неча ой аввал 7 900 сўм эди. Ҳозирда эса 10 500-11 000 сўмни ташкил этмоқда.

НАРХ ТАЛАБАЛАРГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛМОҚДА?

Озиқ-овқат нархининг кескин кўтарилиши, албатта, ижтимоий қатламга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Шулар жумласидан талабаларга ҳам. Талабалар орасида олиб борган суриштирувларимизда

бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Озиқ-овқат қиймати-нинг кўтарилгани бизни бироз тушқунликка туширди, — дейди **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Муҳлиса Орифова**. — Чунки стипендиямизни тежаб ишлатган тақдиримизда ҳам бир ойга етмаяпти. Бир томондан олаётган стипендияларимиз миқдори ошганидан хурсанд бўлсак, яна бир тарафдан маҳсулотларнинг нархлари кўтарилгани бизни хавотирга солмоқда. Мен давлат бюджети асосида ўқийман ва талабалар ётоқхонасида яшайман. Ижарада туриб, контрактда ўқийдиган талабалар ҳақида гапирадиган бўлсам, нафақат уларга, балки уларнинг ота-онасига ҳам ҳозирги ҳолат моддий жиҳатдан қийинчилик туғдирыпти.

— Нархларнинг кўтарилиши сабабли талаба йигит-

лар ичида ўқишдан ташқари ишлашга эҳтиёж туғилади, — дейди **мазкур университети талабаси Исроилхон Мурбатхонов**. — Чунки йигитлар ота-онасидан ортиқча пул талаб қила олмайди. Албатта, ишлаш давомидида ўқишга салбий таъсир кўрсатиш ҳолатлари мавжуд. Қўлига даромад тушаётган талабада ўқимасам ҳам бўлар экан, деган тушунча келади. Яна бир гап: яқинда ойликлар ошди, шунга монанд контракт тўловлари миқдори кўтарилиши мумкин. Бироқ негадир стипендия миқдори ошмади. Ҳўш, озиқ-овқат ҳамда контракт тўловлари кўтарилган бир вазиятда стипендия ошмаса, ижарада яшовчи талабалар ҳақида ким ўйлайди?

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Дарҳақиқат, бугун дунёда вужудга келган вазият барча

давлатларда ижтимоий Ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш салмоғини оширишни талаб этмоқда. Бу борада талабалар эътибордан четда қолмаслиги лозим.

— Менимча, талабалар қийинчиликлари дуч келмасликлари учун арзонлаштирилган озиқ-овқат ярмаркаларини ташкил этиш айтиш мумкин бўлар эди, — дейди **ЎзДЖТУ Медия ва коммуникация факультети ёшлар ишлари бўйича декан уринбосари Фаррух Эшмаматов**. — Ярмаркалар талабалар ётоқхоналари, олий таълим муассасаларида ўтказилиши керак. Бундан ташқари, талабалар ошхоналарини кўпайтириш, бу муассасаларга турли имтиёзлар бериш орқали вазиятдан осон чиқиш кетиши мумкин.

Зулфизар САИДАҲМАДОВА, Феруза ЭШҚОБИЛОВА, ЎзДЖТУ талабалари.

МАҚСАД АНИҚ — ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДА МУСТАҲКАМ КЎПРИК ЯРАТИБ, КАМБАҒАЛЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ.

ЯНГИ РАИСИМИЗ ЖУДА ҲАРАКАТЧАН АЁЛ. УЗОҚ ҚИШЛОҚ БЎЛИШИМИЗГА ҚАРАМАЙ, ХУДУДИМИЗДА АЁЛЛАР УЧУН ФИТНЕС-КЛУБ ТАШКИЛЛАШТИРГАН.

3 ойда 47 мингта янги тадбиркор



«WORLDOMETER» сайтининг маълумотларига кўра, айти пайт ер шар аҳолиси 7 миллиард 900 миллиондан ошиб кетган. Дунё ҳар қанча тараққий этса-да, камбағаллик даражаси ҳам ўсиб бормоқда. Шу боис мамлакатлар камбағалликни бартараф этиш йўлида турли дастурлар ишлаб чиқмоқда. Ўзбекистонда бу муаммони бартараф этиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон стратегиясида камбағалликни икки баробарга қисқартириш вазифаси белгиланган. Бу йўлдаги ҳаракатларни жадаллаштириш учун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан алоҳида институт — ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилди. Мақсад аниқ — халқ ва давлат ўртасида мустаҳкам кўприк яратиш, камбағалликка барҳам бериш. Утган қисқа вақт ичида ҳоким ёрдамчилари томонидан 6 900 000 та хонадон хатловдан ўтказилиб, дастлабки уч ойда 50 мингта оилавий тадбиркорлик лойиҳалари учун 1 триллион 300 миллиард сўм кредит ва 20 миллиард сўм субсидия ажратилди. Натижада жойларда 47 мингта янги тадбиркорлар

фаолияти йўлга қўйилди. 8 мингта кичик саноат ва сервис лойиҳалари ишга туширилди. Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласида фаолият юритаётган ҳоким ёрдамчиси Зиёда Ҳалилова иш жараёнида юқори самарадорликка эришиб, ҳудуд ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. — Хатлов ўтказганимизда, 695 та хонадондаги 889 та оилада 3 997 нафар фуқаро яшаши аниқланди, — дейди З.Ҳалилова. — Ишсизларни аниқлаб, тоифаларга ажратдик. Ишсизлар сони 170 нафардан ортиқ. Шу кунгача уларнинг 90 фоизини иш билан таъминладик. 144 нафар фуқарога 15 сотихдан ер ажратиб бердик. 21 нафар фуқарога 18-30 миллион сўмгача кредитлар ажратдик. Жами шу кунгача 350 миллион сўм кредит берилди. Улар имкониятдан фойдаланиб, иссиқхона, паррандачилик каби йўналишларда иш бошлашди. Бундан ташқари, аёлларни иш

билан таъминлаш учун хонадонларда ипак курти боқини йўлга қўйдик. 260 нафар аёлимиз мавсумий ишчи сифатида банд бўлди. Оилавий корхоналар, яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил қилдик. Уларда камидан 3 тадан янги иш ўрни яратилди. Маълум бўлишича, маҳалланинг аксар аҳолиси деҳқончилик билан шуғуллангани учун уларга 15 сотихдан ер ажратиб берилгани бугун ижобий натижасини бериб улгурган. Эътиборлиси, ер олганлар орасида 43 нафар чет элдан қайтган мигрантлар ҳам бор. Бугун улар ўз маҳаллаларида даромад топиб, оила боқишмоқда. Жумладан, кимошди савдосида ер олган Солижон Абдурахимовнинг фарзанди энди оила боқиш учун Россияга кетмайдиган бўлди. Бундан ота жуда хурсанд. Яна бир суҳбатдошимиз Жавоҳир Маъмуров жорий йил олий ўқув юртига ўқишга қира олмаганди. У берилган имкониятдан фойдаланиб,

10 йилга 15 сотих ер олди. — Ўқишга қира олмаганимдан кейин вақтинча ишсиз бўлиб қолгандим, — дейди Ж.Маъмуров. — Мана энди аукционда ер ютиб, Давлат хизматлари марказидан гувоҳнома олдим. Картошка экдим, насиб қилса, юқори ҳосил кутяпман. Ер олишда ҳоким ёрдамчиси катта ёрдам берди. Қолаверса, ҳар қуни ҳулимиздан хабар олади. Бугун маҳаллада аҳолини камбағалликдан чиқаришда иссиқхоналар муҳим ўрин тутяпти. Аввал маҳаллада 3 донагина иссиқхона ишлаган бўлса, бугун уларнинг сони 21 тага етган. Масалан, Дониёр Усмонов 22 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, хонадонда 2,5 сотихли иссиқхона ташкил этган. Кунора 20-25 килограммдан қалампир узиб, 45 минг сўмдан сотяпти. — Иссиқхонани жорий йил март ойида ташкил этгандим, — дейди Д.Усмонов. — Натижа яхши бўлди.

Нафақат мен, барча оила аъзоларимизнинг бандлиги таъминланди. Кредит олишда қийинчилик кўрмадим. Бир ҳафтада олдим. Насиб қилса, яна битта иссиқхона кураман. Маҳаллада ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан дурра ва дастурмош ишлаб чиқарадиган цех ташкил қилинган бўлиб, бу ерда «Аёллар дафтари»да рўйхатда турувчи 7 нафар аёл иш билан таъминланди. Акмал Жўраев ҳоким ёрдамчисининг таклифи билан маҳалла ҳудудидаги қаровсиз кўлда паррандачиликни йўлга қўйди. Банкдан 20 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 260 дона ўрдак сотиб олди. Бугун кунига 100 та тухум сотиб, 100 минг сўмгача фойда қилмоқда. Келажақда фаолиятини янада кенгайтириб, ўрдаклар сонини 5 000 тага етказмоқчи. Агар кунига 3 000 минг дона тухум олинса, бу кунига тахминан 3 миллион сўм даромад, деганидир.

ЎТГАН ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ТОМОНИДАН 6 900 000 ТА ХОНАДОН ҲАТЛОВДАН ЎТКАЗИЛИБ, ДАСТАБКИ УЧ ОЙДА 50 МИНГТА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ УЧУН 1 ТРИЛЛИОН 300 МИЛЛИАРД СЎМ КРЕДИТ ВА 20 МИЛЛИАРД СЎМ СУБСИДИЯ АЖРАТИЛДИ.

Мақсадбек ФАЙЗ.

▶ МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«МАҲАЛЛАДА IT-ТЎГАРАК ТАШКИЛ ЭТМОҚЧИМИЗ?»

Маҳалламиз Кўқон хонлиги даврида вужудга келган. Ўша пайтдаги урф-одатлар асосида номланган. Утган давр мобайнида юқоридан келиб бир неча марта маҳалла номини ўзгартиришни сўрашган.



«Янги ҳаёт», «Гузар», «Ўзбекистон» каби номлар таклиф қилинган. Лекин аҳоли кўнмади. Тарихий номларни ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилди. Вилоят таклиф қилган номларни эса учта янгидан ташкил қилинган кўчаларимизга қўйдик. Жорий сайловда ўз номзодимни илгари сурмадим. Аввало, қаридим. Маҳаллага югуриб-елиб ишлайдиган ёшлар керак. Биз кўлимиздан келганини қилдик. Энди ёшларнинг навбати. Шунга қарамай, жараёни уюштириш, ташкиллаштиришга бошқош бўлдим. Ҳаммиси

қонунларимизга мос, тўғри ўтказилди. Одамларимиз раисликка педагог синглимиз Мўмина Ориповани муносиб, деб топишди. Уйлашимча, бемалол эглаб кетади. Тушунмагани, билмаганини ўргатишга эса биз елкадош бўламиз. Янги раисимиз жуда ҳаракатчан аёл. Узоқ қишлоқ бўлишимизга қарамай, ҳудудимизда аёллар учун фитнес-клуб ташкиллаштирган. Хотин-қизларнинг муаммоларини яхши англайди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилалар тинчлигини сақлашда аввалдан фаол.

Унинг дастуридан ҳам мазкур масалалар ўрин олганди. Бундан ташқари, янги раисимиз ҳудудда турли тўғарақлар, ўқув марказларини кўпайтириш устида ишлашни ваъда қилган. Масалан, тикувчилик, дурадгорлик бўйича мавжуд усталаримиз, ҳунармандларимиздан фойдаланиб одамларимизни касбга ўргатмоқчи. Маҳалламиз чекка бўлса-да, оптик толали интернет тармоғи билан тўла қамраб олинган. Шу боис ҳудудда ишлаётган компьютер клуби баъзасида IT-тўғарагини тузиб, ёшларни бугун дунёда юқори талаб бўлган

касбга қизиқтиришни режа қилган. Бунинг учун маҳалламиздаги чет элларда ўқиб келган бир неча ёшлардан фойдаланмоқчи. Улар ҳам мазкур ташаббусга кўнгилли сифатида рози бўлишган. Албатта, бу каби ташаббуслар ёшлардан чиқади. Уларгина ҳудудларни янгиликлар ва тараққиётга ошно қиладилар. Биз эса ёшларга доимо елкадош бўлиб қоламиз.

Гулшаной БОТИРОВА, Фурқат туманидаги «Чек-чувалдоқ» маҳалласи фаоли.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНING МАЪЛУМ ҚИЛИШИЧА, БУ УНИВЕРСИТЕТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ СИФАТИДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ЛИЦЕНЗИЯГА ЭГА ЭМАС.

ҲЕЧ ҚАНДАЙ РУХСАТГА ЭГА БЎЛМАГАН ХУСУСИЙ ТАШКИЛОТ ЧИНДАН ҲАМ УНИВЕРСИТЕТ СИФАТИДА МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ХИЗМАТЛАР ТАКЛИФ ЭТМОҚДА.



Мақта битирувчилари учун муҳим палла келди. Улар катта ҳаёт остонасида туришибди. Ёшларнинг бир қисми ўзи хоҳлаган касб-ҳунар эгаси бўлишни мақсад қилган бўлса, бошқалари олий ўқув юртига ҳужжат топшириш ҳаракатида. Мақсад аниқ — келажакда етук мутахассис бўлиш.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ,

СОХТА УНИВЕРСИТЕТ!

Этиборлиси, бугун мамлакатимизда олий таълим тизимининг ислоҳ этилиши натижасида абитуриентларга янада қулай имкониятлар яратилди. Қабул квоталари оширилди, университет ва институтлар сони кўпайди. Аиниқса, бунда нодавлат олий таълим муассасаларининг соғлом рақобатга киришгани ёшлар учун танлов имкониятини оширди.

Афсуски, жараёнда айрим олғирлар томонидан ўзини олий ўқув юртиданман, дея таништириб, абитуриентларни алдашга уринишлар кузатилмоқда. Масалан, яқинда бир танишим «Термиз шаҳридаги «UNIVERSITY AT-TERMIZIY» МСНД томонидан берилган дипломлар Ўзбекистонда олий таълим муассасаси дипломи сифатида тан олинмади?», деб сўраб қолди. Тўғриси, бу университет ҳақида маълумотга эга бўлмаганим учун аниқ жавоб бера олмадим.

Кейин мана шу университет ҳақида маълумот изладим. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси матбуот хизмати раҳбари Шавкат Хўжакуловнинг маълум қилишича, бу университет олий ўқув юрти сифатида ҳеч қандай лицензияга

эга эмас.

— Қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ, Таълим инспекциясидан олий таълим хизматлари кўрсатиш учун лицензия олмаган нодавлат олий таълим ташкилотлари томонидан берилган дипломлар тан олинмайди, — дейди Ш.Хўжакулов. — Хусусан, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасига асосан, нодавлат таълим ташкилотлари лицензия олинган кундан эътиборан таълим фаолияти билан шуғулланишга ҳақли. Нодавлат таълим ташкилотларига лицензия бериш Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори асосида амалга оширилди.

Ўз навбатида, таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда нодавлат таълим ташкилотлари сони бир неча баробарга ошиб, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида ўзаро соғлом рақобат муҳити шаклланимоқда. Мазкур жараёнларда Таълим инспекцияси томонидан нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тизимини содда-

лаштириш билан бирга, талабдорларнинг мурожаатларини қисқа муддатларда кўриб чиқиш тизими йўлга қўйилган.

2018-2020 йиллар оралиғида лицензияга эга бўлган нодавлат олий таълим ташкилотлари сони 13 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилда 21 та нодавлат олий таълим ташкилоти фаолияти лицензияланди. Уларнинг рўйхати давлат инспекцияси веб-сайтига жойлаштирилиб, маълумотлар мунтазам янгиланган бўлимоқда.

Шуни ёдда тутиш муҳимки, тегишли лицензияга эга бўлмаган ёки белгиланган тартибда аккредитациядан ўтмаган таълим ташкилотлари томонидан берилган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки бошқа давлатларда ҳам тан олинмайди.

Юқорида номи келтирилган муассасага олий таълим ташкилоти сифатида лицензия олиб, фаолиятини қонуний асосда юритишлари учун ҳеч қандай тўсиқ мавжуд эмас. Шунингдек, нодавлат олий таълим хизматларини кўрсатиш истагида бўлган тадбиркорлар қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли лицензияни олгандан кейингина

фуқароларимиз ўртасида тарғиб-бот-ташвиқот ишлари амалга оширишлари мақсадга мувофиқ.

Мутахассиснинг ушбу жавобидан кейин ўзини олий ўқув юрти, дея таништириётган олийгоҳ ҳақида тўлиқроқ маълумот изладик. Жорий йилнинг 21 апрелида қайта ишга туширилган расмий каналда 288 нафар обуначи бор экан. Ҳайратланарлиси, ҳеч қандай рухсатга эга бўлмаган хусусий ташкилот чиндан ҳам университет сифатида мисли кўрилмаган хизматлар таклиф этмоқда.

Жумладан, университет қўшни мамлакатлардан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва европа давлатлари — Польша, Литва, Латвия, Германия, Испания университетлари ҳамда ТОП-1000 таликка кирган олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиши келтирилган. Абитуриентларни янада ишончини оширадигани агар улар талаба бўлса, мана шу хорижий университетларда онлайн ўқиш ва бутун дунёда тан олинган дипломга эга бўлиши маълум қилинган.

Ваҳоланки, бу хабар — ФИРТ ЁЛФОН! Чунки мамлакатимизнинг ўзида, ҳатто онлайн таъ-

лим шаклида олинган дипломлар нострификация қилинмайди. Шунингдек, ўзлари олий ўқув юрти сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда чет эл университетларида таҳсил олаётган талабаларни университетга ўқишни кўчиришлари мумкинлиги эълон қилинган.

Хўш, булар ўз хизматларига қанча нарх белгиланган, деб ўйлайсиз?

1- ва 2-курслар сиртки-онлайн ўқиш учун тулов-контракт суммаси 8 220 000 сўм, сиртки таълим шакли учун 9 864 000 сўм.

Иқтисодиёт, тарих, Ахборот технологиялари, Педагогика ва психология, Бошланғич таълим йўналишларидаги қабул имтиҳон ва суҳбат шаклида ўтиши айтилган. Кўпчиликка қизиқ ва тушунарсиз жиҳати, бу имтиҳонлар қандай тартибда ва асосда ўтказилади? Имтиҳон саволлари ким томонидан тайёрланган?

Янада ажабланарлиси, уларга алданиб қолган ёшларнинг бесамар ўтган 4 йиллик умри уволидан, наҳотки, шу ишни қилаётганлар кўрқмаса?

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

ТЕГИШЛИ ЛИЦЕНЗИЯГА ЭГА БЎЛМАГАН ЁКИ БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТМАГАН ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ОЛИЙ МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА, БАЛКИ БОШҚА ДАВЛАТЛАРДА ҲАМ ТАН ОЛИНМАЙДИ.

▶ МАҲАЛЛА ЯНГИЛИКЛАРИ

«АСОСИЙ ЭЪТИБОР — АҲОЛИНИ РОЗИ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛАДИ»

Маҳаллада раис сифатида иш бошлаганимда, авваламбор, халқ билан кенгашиб, муаммоларни ечиш бўйича режа тузиб чиқдик. Табиийки, мана шу режа асосида икки йил давомида фаолиятимни давом эттириб, долзарб масалаларга аҳоли билан биргаликда ечим топдик.

Масалан, маҳалламиздаги ичимлик сув тармоғи қувурларининг эскириб кетгани натижасида сув исроф бўларди. Аҳолини мурожаат қилмаган ери қолмаганди. Бу муаммо 10 йиллик бошоғриқ эди. Утган йили масала ижобий яқун топди. Бурамаут кўчасидаги 600 метр эскирган қувур янгисига алмаштирилди. Шунингдек, маҳалламиздаги электр кабеллар тармоғи ер тагидан ўтгани учун кўп ноқулайликларга сабаб бўларди. Энди бу муаммо ҳам ўтмишга айланди. 45 дона бетон таянч устунлар ўрнатилиб, ер тагидан ўтган кабеллар юқоридан тортилди. Яна бир муаммомиз — Ахси кўчасидан ўтган ариқ эскириб, деярли ёпилиб қолганди. Бунинг

натижасида ёғингарчиликда маҳалламиз кўчаларига сув тошарди. Утган йили 400 метр масофада янги ариқ қазилди ҳамда кўшни маҳаллалардан ўтувчи ариқларга туташтирилди. Ахси ва Термиз кўчасининг 400 метр масофаси асфальтланди. Маҳалламизда 25 нафар ишсиз фуқаро бўлиб, янги тизим асосида уларнинг доимий бандлиги таъминланди. Бунинг учун маҳалламизда бўш турган бинода кичик корхоналар ташкил қилинди. Хунармандчилик корхонасида 6 та, косибчилик бўлимида 10 та иш ўрни яратилди ва 16 нафар маҳалладошимиз ишли бўлди. 9 нафарини маҳалламиз драйвери бўлган асаларчилик корхоналарига шогирд қилиб бердик. Қисқа пайтда улар

хунар ўрганиб, ҳозир ўзини ўзи банд қилди. Умуман, ўтган фаолиятимизда асосий эътибор аҳолини рози қилишга қаратилди. Шунга, яқинда ўтган маҳалла раислари сайловида маҳалладошларим яна ишонч билдириб, қайта сайлашди. 7 820 нафар аҳолимиздан 12 фоизи сайловга таклифнома олган бўлса, 375 нафари овоз беришга чиқди. Шундан 65 фоизи мени қўллаб-қувватлади. Табиийки, аҳолининг бу ишончи менга янада масъулият юклади. Яқин йиллардаги режамизга кўра, маҳалламизда яна 600 метр ичимлик сув тармоғини янгилаш, кўчаларни асфальтлаш турибди. 12 та кўчамизга ёритиш чироқлари ўрнатамиз.



Наманган шаҳридаги «Алпомиш» маҳалла фуқаролаер йигини раиси Абдумавлон ХУЖАЕВнинг фикрларини Д.ЭШҚОБИЛОВА ёзиб олди.

Mahalla

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОНОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
Нашр навбатчиси:
Улуғбек ИБОДИНОВ
Саҳифаловчи:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ, 4770 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-518 1 2 3 4 5 6
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.